X. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2017 йил январь-декабрда чакана товар айланмаси 11183,2 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,4 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	*2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*Якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Жами	**11183,2**	**103,4**	**100,0**
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	23,2	95,3	0,2
нодавлат мулки	11160,0	105,9	99,8
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	822,9	95,7	7,4

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-декабрда 3951,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,6% ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 5949,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,8% ташкил қилган.

2017 йил январь-декабрда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	*2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*Якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Чакана товар айланмаси	**11183,2**	**103,4**	**100,0**
шу жумладан:			
савдо корхоналари	3951,5	113,6	35,3
Якка тартибдаги тадбиркорлик	5949,1	98,8	53,2
уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	1282,6	97,2	11,5

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 354,9 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-декабрга нисбатан 103,4% ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 2,8% ошди ва 3930,4 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-декабрь ойиларида 3241,5 минг сўмни ташкил этган). Бу кўрсаткич ҳудудлар бўйича кўрилганда энг каттаси Олмалиқ шаҳарда 8618,1 минг сўм, Бекобод шаҳарда 6452,4 минг сўм ва Зангиота туманида 5414,2 минг сўм тўғри келди.

Ҳудудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши



Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмининг энг катта улуши Зангиота тумани ҳисобига тўғри келди ва 17,8% ташкил этди, Янгийўл тумани 10,6%, Олмалиқ шаҳри 9,8% ташкил этган бўлса, Қуйичирчиқ тумани 1,8%, Пискент тумани 2,4% ва Бекобод тумани 2,5% улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

2017 йил январь-декабрда **хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 9277,2 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 3511,6 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 37,9% ташкил қилди. 2016 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш 104,3% ташкил этди.

Хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

	млрд. сўм	*2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Жами хизматлар	**9277,2**	**104,3**	**100**
шу жумладан: хизмат турлари бўйича			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	197,1	121,1	2,1
молиявий хизматлар	787,7	128,1	8,5
транспорт хизмати	2876,7	101,0	31,0
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	2778,0	101,3	29,9
яшаш ва овқатланиш хизматлари	458,9	110,9	4,9
савдо хизматлари	3001,4	100,1	32,4
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	348,2	103,2	3,8
таълим соҳасидаги хизматлар	186,5	102,1	2,0
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	129,7	100,3	1,4
ижара ва прокат хизматлари	304,8	100,0	3,3
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	235,1	101,0	2,5
бошқа шахсий хизматлар	295,2	102,0	3,2
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	149,5	124,2	1,6
бошқа турдаги хизматлар	306,5	118,7	3,3

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 31,0%), савдо ва овқатланиш (32,4%) хизматларига тўғри келади.

Шунингдек, молиявий хизматлар (128,1%), меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (124,2%), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (121,1%) ва бошқа шахсий хизматларида (118,7%) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-декабрда хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари улуши



Ҳудудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Зангиота туманига (104,2%) тўғри келди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Олмалиқ шаҳри (4554,7 минг сўм), Қибрай 4356,4 минг сўм) ва Зангиота (3563,6 минг сўм) туманлариа қайд этилди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг Зангиота туманига (14,1%), Янгийўл (8,6%) ҳамда Чирчиқ (6,7%) ва Олмалиқ шаҳарлари (6,2%) ҳиссасига тўғри келди.

Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариши ҳажмларининг ўсиш суръати

(2016 йилнинг январь–декабрига нисбатан)